

ТУРКИЙШУНОСЛИКДА ПАРАЛЛЕЛИЗМЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ВА ТАСНИФИ

ИЗУЧЕНИЕ И КЛАССИФИКАЦИЯ ПАРАЛЛЕЛИЗМА В ТЮРКОЛОГИИ

STUDY AND CLASSIFICATION OF PARALLELISM IN TURCOLOGY

Abdulazizkhan NIG'MONOV,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
teacher of the department classical oriental
literature and source study. a.nigmonov@iiaiu.uz
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

DOI: 10.47980/IIAU/2022/3/8

Аннотация: Бугунги глобаллашув даврида аждодларимиздан қолган бой маънавий, бадиий-адабий меросни ҳар томонлама тадқиқ этиши Учинчи Ренессанс сари интилаётган ўзбек олимлари олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади. Ёзма манбаларда акс этган ўзига хос поэтик воситаларнинг шаклланиши, такомиллини тадқиқ этиши, уларнинг трансформациясини ўрганиши, бу воситаларнинг сақланиб қолиши ва бугунги кун адабиётидаги ўрнини белгилашда муҳим ўрин тутди.

Ўзбек адабиёти тарихига назар солганда, шубҳасиз, унинг бой адабий меросга эга эканлиги кўзга ташланади. Бу адабиётнинг илдизи узок даврларга бориб тақалади. Унинг шаклланиши ва тараққиёти бевосита қадимги туркий адабиёт билан мустаҳкам боғлиқ. Чунки ўзбек адабиёти қадимги туркий адабиёт негизидан ривож топган. Қадимги турк давридаги адабий анъана исиз йўқ бўлиб кетмади, балки ўзида мураккаб эстетик – адабий тизимни гавдалантирадиган мумтоз туркий шеърятга кириб келди. Қадимги туркий адабиёт намуналари: Ўрхун ёдномалари, “Девону лугати-т-турк”да сақланиб қолган бадиий ижод намуналарининг шаклий – поэтик хусусиятлари илк классик даврдаги туркий адабиётда давом этгани туркий адабиётнинг узлуксиз равишида тараққий этганини кўрсатади.

Мақолада туркий ёзма адабиёт тарихида узок ўтмишига бориб тақаладиган параллелизм ҳодисасининг шаклланиши, унинг ўзига хос хусусиятларининг ёритилиши, уларни вужудга келтирган воситалар, параллелизмларнинг такомилли, уларнинг турли томондан таснифи каби масалалар бўйича қилинган ишлар тадқиқ қилинган ҳамда параллелизмларнинг шаклланиши ва таснифи билан боғлиқ олимлар фикрлари таҳлил этилган.

Шунингдек, хорижлик ва маҳаллий олимларнинг ушбу ҳодиса ҳақидаги муҳим фикрлари мисоллар ёрдамида келтирилган бўлиб, параллелизмларни

ўрганишида диққат қаратиш лозим бўлган ўринлар ва таснифдаги фарқларга ҳам тўхталиб ўтилган. Кейинги тадқиқотларда нималарга эътибор бериш лозимлиги қайд этилган. Натижада, ушбу ҳодисанинг ўрганилиши ва таснифи билан боғлиқ яхлит мақола вужудга келганки, бу иш тадқиқотчилар ишини энгиллаштиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Калим сўзлар: адабиёт, бадиий тафаккур, поэтика, поэтик воситалар, параллелизм, параллелизмлар таснифи, тематик-психологик параллелизм, лексик-морфологик параллелизм, ритмик-синтактик параллелизм, интонацион параллелизм.

Аннотация: В современную эпоху глобализации всестороннее изучение богатого духовного, художественного и литературного наследия наших предков является одной из актуальных задач, стоящих перед узбекскими учеными, стремящимися к третьему Возрождению. Изучение формирования и совершенствования конкретных поэтических средств, отраженных в письменных источниках, изучение их трансформации, играет важную роль в определении сохранности этих средств и их места в современной литературе.

При изучении истории узбекской литературы, становится очевидным, что она имеет богатое литературное наследие. Корни этой литературы уходят в далекое прошлое. Её формирование и развитие напрямую связано с древнетюркской литературой, потому что узбекская литература развивалась на её основе. Литературная традиция древнетюркского периода не исчезла бесследно, а вошла в классическую тюркскую поэзию, воплотившую в себе сложную эстетико-литературную систему. Образцы древнетюркской литературы: орхонские мемуары, формальные и поэтические особенности произведений искусства, сохранившиеся в «Девону лугати-т-тюрк», продолжают в раннеклассической тюркской литературе и показывают, что турецкая литература постоянно развивается.

Статья посвящена становлению явления параллелизма в истории турецкой литературы, его особенностям, средствам его создания, развитию параллелей, их классификации с разных сторон.

Также с помощью примеров приводятся важные мнения зарубежных и отечественных ученых об этом явлении, в которых также акцентируется внимание на различиях мест и классификаций, которые следует учитывать при изучении параллелизмов, и что следует учитывать в будущих исследованиях.

Ключевые слова: литература, художественное мышление, поэтика, поэтические средства, параллелизм, классификация параллелизма, тематико-психологический параллелизм, лексико-морфологический параллелизм, ритмико-синтаксический параллелизм, интонационный параллелизм.

Abstract: In the modern era of globalization, a comprehensive study of the rich spiritual and literary heritage

of our ancestors is one of the urgent tasks of Uzbek scientists who are striving for a third Renaissance. The study of the formation and development of specific poetic means reflected in written sources, the study of their transformation, plays an important role in preserving and determining their place in modern literature.

Looking back at the history of Uzbek literature, it becomes obvious that it has a rich literary heritage. The roots of this literature go back to the ancient times. Its formation and development are directly related to the ancient Turkic literature. Because Uzbek literature developed on the basis of ancient Turkic literature. The literary tradition of the ancient Turkic period did not disappear without a trace, but transformed to the classical Turkic poetry, which embodied a complex aesthetic and literary system. Formal and poetic features of works of art illustrated in the samples of ancient Turkic literature: Orkhon memoirs and “Devonu lugati-turk”, and continued in Turkish literature of the early classical period, shows that Turkish literature is constantly evolving.

The article is devoted to the formation of the phenomenon of parallelism in the history of Turkish literature, its features, the means of its creation, the development of parallelism, their classification from different angles. And the opinions of scientists related to the formation and classification of parallelisms are analyzed.

Also, the important opinions of foreign and local scientists about this phenomenon are presented with the help of examples, and the differences in classification and places that should be paid attention to in the study of parallelisms are also discussed. What should be taken into consideration in further research is noted. As a result, a comprehensive article related to the study and classification of this phenomenon was written, which will undoubtedly be of great importance in facilitating the work of researchers.

Keywords: literature, artistic thinking, poetics, poetic means, parallelism, classification of parallels, thematic-psychological parallelism, lexical-morphological parallelism, rhythmic-syntactic parallelism, intonational parallelism.

КИРИШ

Турли тилларда, ҳатто, бир тилнинг ўзида сўзларнинг гапда бирикиш усуллари, гапларнинг ва мураккаб синтактик бутунлик кўринишларининг шаклланиши турли даврларда ўзаро фарқланади. Улар шу тилда сўзлашувчи халқнинг тарихи, ўсиб, такомиллашиб бораётган ўзаро мулоқотга бўлган меъёрий талаблар натижасида ўзгариб, сайқалланиб боради (Shukurov R., 2004). Шундай экан тилдаги бирор-бир ҳодисани энг қадимги даврларидаги намуналаридан бошлаб ўрганиш тилнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳақида батафсил тасаввур ҳосил қилишга имкон яратади.

Жаҳон туркологияси бугунги кунда қадимги туркий ёдномаларни ўрганиш юзасидан қатор тадқиқотларга эга. Ёдномалар юксак бадияти,

матн қурилишидаги ўзига хослик, бадий тугаллиги ва услубий аниқлиги билан ўтган асрда рус ва чет эл олимларининг, бугунги кунда эса бутун жаҳон адабиётшунос ва тилшунос туркологларининг эътиборини ўзига жалб қилиб келмоқда (Nig'monov A., 2020:186).

Ёдномалар бугунги кунгача кўплаб аспектларда ўрганилди. Бу борадаги ишларнинг асосий қисми ёдномаларни тилшунослик жиҳатидан ўрганишга бағишланган бўлиб, ёдномаларни бадийят нуқтаи назаридан ўрганиш асосан И. В. Стеблева (Stebleva I., 1971:298) номи билан боғланган. У биринчи марта ёдномаларни “қадимги туркийларнинг “шоҳ асарлари” сифатида баҳолади ва шу билан бирга, қадимги туркий адабиётнинг эволюцияси ва шаклланиши ҳақида тадқиқотлар яратди. Бу тадқиқотлар туркологиянинг бундан кейинги тараққиёти учун асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилади (Rahmonov N., 1989:144).

Ёдномаларда бадий фикрлашнинг маҳсули бўлмиш воситалардан бири – шеърий асарлар учун ҳам, прозаик асарлар учун ҳам умумий бўлган параллелизмлардир. Параллелизм бадий ифода усуллариининг алоҳида тури бўлиб, адабиёт ва фольклорда кенг қўлланилади. Параллелизм тушунчаси ҳақида янада батафсил тасаввур ҳосил қилиш учун бу ҳодисани атрофлича тадқиқ этган олимлар ва уларнинг қимматли фикрларига тўхталиб ўтиш лозим.

УСЛУБЛАР

Чет эл адабиётшунослигида, фольклоршунослигида параллелизм ҳодисаси бўйича ёзилган мақолалар, монографик ишлар, ёқланган диссертациялар ҳусусида Р. О. Якобсон ўзининг “Грамматик параллелизм ва унинг русча йўналишлари” мавзuidaги мақоласида тўхталиб, турли халқлар поэзиясида бу ҳодисанинг ўрганилишини таҳлил этади. Шунингдек, грамматик параллелизмлар, уларнинг моҳияти ва хусусиятлари, бадий матндаги композицион роли масалаларини ўзигача бажарилган ишларга қиёсан изоҳлайди (Yakobson R, 1987:99).

Параллелизм грекча *parallelos* – ёнма-ён боровчи сўздан олинган бўлиб, уни шеърий поэтикасига дахлдор атама сифатида биринчи марта Роберт Лаут 1776 йилда ўз таржимасида чоп эттирган “Исо пайғамбар асарлари” китобига ёзган сўзбоҳисида қўллаган. У шундай ёзган: “Мен бир байт ёки мисрани бошқа бир байт ёки мисра билан мослигини параллелизм деб атаман. Қачонки бир мисрада бирор мулоҳаза ифодаланган бўлиб, унинг кетидан

ёки остида бошқа бир сатрда унга маъно жиҳатдан ўхшаш ёки қарама-қарши, грамматик тузилиши жиҳатидан яқин бир мулоҳаза жойлашган бўлса, бу қаторларни параллелизмлар ва бу сатрлардаги бир-бири билан мос бўлган сўз ёки ибораларни эса параллел аъзолар деб атаيمان” (Yakobson R., 1987:100). У бир неча сатрда жойлашган грамматик қурилиш шаклини параллелизм дея ҳисоблаган. Ўз-ўзидан, параллелизм Лаут “параллел қисмлар” дея атаган сўз ва иборалар ёрдамида шаклланади. Демак, Р. Лаут илк бор “параллелизм” ва “параллел қисмлар” тушунчасини киритган.

Дж. Ф. Дейвис ўзининг “Хитойликлар шеърияти ҳақида” номли 1829 йилги маърузасида хитой шеъриятини таҳлил қилар экан, Р. Лаутнинг учхиллилик принципи йўлидан боради. Вольфганг Штейниц эса илк бор параллелизм ҳодисасини карело-фин халқ шеърияти мисолида илмий асослайди. Яна бир тадқиқотчи Аустерлиц эса остяк ва вагул шеъриятида ҳам параллелизм мавжудлигини таъкидлайди (Yefimova L., 2016:137).

Ўтган аср рус адабиётшунослигида бир неча тадқиқотчилар параллелизм ҳодисасини ўрганиб, унга таъриф берганлар. Илмий адабиётда илк бор А. Н. Веселовский параллелизмни ҳаракат ва ҳолат белгиларини солиштирувчи восита сифатида таърифлайди (Veselovskiy A., 1989:101). Олим параллелизмларни асар мазмуни ва психологик нуқтаи назардан текширади. Унинг фикрича, “психологик параллелизмлар” ва уларнинг ритмик хусусиятлари яхудий, фин ва америка ҳиндулари ҳамда баъзи туркий халқлар қўшиқлари асосида ётади (Veselovskiy A., 1989:131). В. И. Чичеров эса қуйидагича таърифни келтиради: “параллелизм – икки образни таққослаш ёки қарама-қарши қўйишдир” (Chicherov V., 1959:355). Олим А. Н. Веселовскийдан фарқли равишда илк бор “икки образ” тушунчасини қўллайди.

1939-1941 йилларда Н. Н. Поппе параллелизм мўғул халқларининг оғзаки шеъриятига хос хусусият эканлигини исботлайди (Yakobson R., 1987:101).

В. М. Жирмунский параллелизм ҳодисасини ҳар томондан кенг ўрганган. Дастлабки ишларида у параллелизмни шеъриятнинг қадимий шакли сифатида изоҳлайди: “параллелизм такрордан келиб чиққан, бу эса шеърнинг қадимий ритмик тузилиш шаклидир” (Jirmunskiy V., 1964:3). Кейинги ишларида олим параллелизм ҳодисаси таърифига бир қанча аниқликлар киритади. У: “шеърнинг ташқи тузилиши синтактик элементларнинг метрик фонда сатр бўйлаб бадий тартиблашуви билан аниқланади” деган қонидани илгари суради. У параллелизмни синтактик конструкциялар қисмларини боғловчи

ва шеърни шакллантирувчи восита деб ҳисоблайди. Олим туркий халқлар дostonларидаги ритмик-синтактик параллелизмни ўрганади, хусусан, оғуз дostonининг таҳлили асосида: “Ўғуз дostonининг шеърий тузилишининг асосини барча туркий халқлар шеърияти тарихий ёдгорликларидаги каби сўз такрори натижасидаги синтактик параллелизмлар ташкил этади” (Jirmunskiy V., 1974:727). Бундай параллелизмлар эмоционал-кўтаринки шеърий нутқнинг асосий белгиси ҳисобланади. Туркий тиллар қурилишининг хусусиятларини ҳисобга олганда бунинг яққол натижаси сифатида параллел синтактик қаторлардаги рифмани эътироф этиш мумкин (Jirmunskiy V., 2001:143). В. М. Жирмунский ритмик-синтактик параллелизмни туркий шеъриятнинг композицион асоси сифатида таҳлил қилади.

Туркий халқлар синтаксисига доир тадқиқотлар орасида долган ва якут халқлари синтаксисини ўрганган олима Е. И. Убрятованинг фикрлари ҳам диққатга сазовордир. “Параллелизм – икки ва ундан ортиқ шаклан бир хил ёки мазмунан ўхшаш гапларнинг мураккаб гап таркибида бирикувидир. Такрорий қисмларнинг мавжудлиги ва бошқа қисмларнинг маънодошлиги параллелизмнинг шаклий хусусиятини ташкил этади” (Ubryatova Ye., 1976:349), – дейди олима.

Рус халқ лирик қўшиқларининг синтактик қурилишига доир масалаларни ўрганган Е. Б. Артеменко: “Параллелизм синтактик бутунлик қисмларини боғловчи воситалардан биридир. Шеър параллелизм асосида шаклланади” (Artemenko Ye., 1976:44), – деб ҳисоблайди.

Ёкут фольклоршунослигида, шеър тузилишида параллелизмларнинг ролини таҳлил қилар экан, олим Г. М. Васильев қуйидаги фикрларни ёзади: “Рифманинг куртаклари ўзида гап бўлақларининг морфологик жиҳатдан (келишдиклар, замон шакллари мослиги каби) мослигини намоён этади, бунинг натижасида синтактик параллелизмлар ҳосил бўлади” (Vasilyev G., 1965:32).

Олонхо шеъриятини таҳлил қилган олим Н. Е. Петров олонхо шеърияти асосини ритмик-синтактик параллелизмлар ташкил этади деган хулосага келади. У параллелизм ҳақида фикр билдирар экан, “шаклан ўхшаш, мазмунан маънодош бўлган, аллитерация ёки мисра охиридаги сўзларнинг оҳангдош шакли билан безалган шеър бирликларининг такроридир. Параллелизмлар мазмунан ўхшаш лексемалар такрори асосига қурилади” (Petrov N., 2009:16), – дейди. Олим параллелизмларни олонхо шеърини шакллантирувчи восита ва фольклор тилининг барқарорлиги ва

бойлиги манбайи деб ҳисоблайди (Yefimova L., 2016:138).

Лингвист олим М. С. Сергалиев “параллелизм” атамаси билан боғлиқ ҳодисаларни фарқлашга ҳаракат қилиб, «Агар қиёсланаётган конструкцияларда параллелизм бўлмаса, улар синоним бўла олмайди. Гап шундаки, синонимлар, бу параллелизмлар, лекин ҳамма параллелизмлар ҳам синоним ҳисобланавермайди. Кўринадики, параллелизмнинг маъноси синонимия тушунчасига нисбатан кенгрок ва чуқурроқдир» (Sergaliev M., 1981:2), деган фикрни олға суриб, синонимларни параллелизмнинг бир кўриниши сифатида баҳолайди ва бу билан параллелизмнинг кенг қамровли эканлигига ишора қилади. Тадқиқотчининг бу фикри параллелизм ҳодисасини кенгрок тушунишда катта аҳамиятга молик. Лекин унга бир қатор аниқликлар киритишга тўғри келади.

Тадқиқотчи А. П. Сковородников шаклий параллелизмларни тилнинг лексик қатлами доирасида текшириб, уни позицион лексик такрор атамаси остида изоҳлайди ва бундай такрор экспрессив синтаксисга хос бўлган поэтик восита сифатида таркибий шаклланиш нуктаи назаридан параллел конструкция ҳосил қилувчи услубий фигурадир, деб таърифлайди (Skovorodnikov A., 1981:109).

И. М. Астафьеванинг фикрича, синтактик конструкциялар доирасида параллелизм қуйидаги уч асосий шартнинг амалга оширилиши натижасида юзага чиқади:

1. Синтактик конструкцияларнинг уларни ташкил этувчи компонентларнинг миқдор жиҳатидан тенглиги асосида шаклланиши.

2. Синтактик конструкцияни ташкил этувчи компонентлар орасидаги семантик-грамматик муносабатнинг бир хил бўлиши.

3. Синтактик конструкцияни шакллантирувчи компонентларининг бир хил таркибда жойлашуви (Astafyeva I., 1981:14).

Тадқиқотчи Н. И. Формановская ўз ишларида «синтактик параллелизм» атамаси ўрнида «структурал параллелизм» атамасидан фойдаланади ва бу усул уюштириш ҳамда такрор асосида юзага чиқишини таъкидлайди (Formanovskaya N., 2007:210). Шу билан бирга, тадқиқотчи синтактик параллелизмнинг ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида синтактик бутунлик таркибда қўлланган гап бўлақларининг бир хил тартибда жойлашувини кўрсатиб ўтади ва синтактик бутунлик таркибдаги қисмларнинг бир хил қилинган уюшган ҳолда жойлашуви «кучли ритмик ифода»нинг юзага чиқишини таъминлайди, деб алоҳида қайд этади.

Татар тилшуноси С. М. Ибрагимов ўзининг махсус мақолалари ва монографик тадқиқотларида мазмуний параллелизм ҳодисасини бир мунча кенгрок, батафсилроқ очиб берган (Ibragimov S., 1976:93). Уларни синтактик синонимлар ва вариантларга ажратиш ҳамда синоним ва вариантларни ўзаро фарқлаш зарурлигини таъкидлаган.

Озарбайжон тилшуноси Н. Д. Абдуллаева мазмуний параллелизм ҳодисасини озарбайжон тилидаги эргаш гаплар билан феълларнинг функционал шакллари мисолида кўриб ўтган (Abdullaeva N., 1978:38).

Рус фольклоршунослигида параллелизмларни жанрларнинг поэтик табиатига боғлаб махсус тадқиқ қилинган ишлар ҳам учрайди. Жумладан, Л. А. Астафьева рус халқ лирик кўшиқларида параллелизмларнинг қўлланишини (Astafyeva L., 1981:87), А. В. Кулагина частушкарлардаги параллелизмларни (Kulagina A., 1981:102) махсус тадқиқ қилганлар. Шуниндек, Ю. Г. Круглов рус маросим кўшиқларига бағишланган тадқиқотида параллелизм муаммосига бирмунча кўпроқ эътибор бериб, унинг тузилишига кўра турлари, синонимия ҳодисаси билан муносабати ҳақида фикр юритган (Kruglov Yu., 1982:272). Бироқ уларнинг моҳияти ва асосини очик кўрсатмаган. Ёки Н. П. Колпакова ҳам рус халқ маиший кўшиқларига бағишланган тадқиқотида параллелизмнинг бошқа бадиий воситалар билан муносабати хусусида қисқача тўхталган (Kolpakova N., 1962:112).

Параллелизм ҳодисасини ўрганишда ўзбек олимларининг ҳам салмоқли ҳиссалари бор. Ўзбек туркологиясида параллелизм ҳодисасини ўрганган олимлардан бири бу – Н. А. Раҳмоновдир. Олим ўзининг “Кул тигин ёдгорлигининг бадиий хусусиятлари” (Rahmonov N., 1983:180) номли номзодлик диссертациясининг III боби биринчи бўлимини ёдгорликдаги лексик такрор ва ритмик-синтактик параллелизм ҳодисасига бағишлаган.

Олим параллелизм ҳодисасини ўрганар экан қуйидаги фикрларни таъкидлаб ўтади: “Ёдномадаги айрим конструкцияларнинг экспрессивлик ифодаланиши шундан далолат берадики, улардаги ритмик гуруҳланиш сажъ, грамматик формалар такроридан ташқари лексик такрор орқали ҳам амалга ошади ва ритмик-синтактик параллелизмни келтириб чиқаради.

...Ёдномада параллелизмнинг ўзига хос хусусияти бор: унинг асосида предмет ёки ҳодисани бир-бирига солиштириш ётади. Солиштириш ёки қиёслаш ёдномадаги кам учрайдиган психологик параллелизмларнинг ҳам асосий хусусияти.

Параллелизмнинг бу тури табиий ҳодисалар, табиат тасвири ва инсон хатти-ҳаракатлари бир-бирига қийосланганда юз беради” (Rahmonov N., 1989:207).

Олим таҳлиллари натижасида, ритмик-синтактик параллелизм баён қилишнинг муҳим ўринларида юз бериши ва фолклор поэтикасининг анъана ва принципларига мос келишини кўриш мумкин.

Яна бир тадқиқотчи олим Баҳодир Саримсоқовнинг хизматларини ҳам тилга олмай илож йўқ. Олим ўз тадқиқотларида сажъ ва эпик халқ шеърляти алоқадорлигини текширар экан параллелизм ҳодисасига тўхталиб ўтади: “Бизнингча, ҳеч бир халқ поэзиясининг ритмик тузилиши асосида психологик параллелизм ётмайди ва ёта олмайди ҳам. Чунки у ёки бу халқ поэзиясининг ритмик тузилиши асосида шу халқ шеърлятининг метрик хусусиятларига мос келувчи параллелизм – ритмик-синтактик параллелизм ётади. Параллелизмларни психологик жиҳатдан текширадиган бўлсак, у ҳолда бундай параллелизмлар прозада ҳам, поэзияда ҳам учрайди. А. Н. Веселовский келтирган шеърый намуналарда ҳам психологик параллелизмлар бор, аммо улар шеър структураси билан алоқадор бўлмай, кенг маънода, тематик томон билан алоқадордирлар. Шеър тузилиши асосида эса фақат ритмик-синтактик параллелизмлар ётади.

Хуллас, шеър ва насрнинг ўзига хос ритмик тузилиши, қонуниятлари мавжуд. Психологик параллелизмлар шеър ва наср учун умумий бўлганлиги учун улар шеър тузилишида етакчи рол ўйнамайдилар.

Ритмик-синтактик параллелизмларнинг пайдо бўлиши, аввало, у ёки бу фикрни ташувчи синтактик birlikларнинг тенглигига асосланади. Бу тенглик эса кўп ҳолларда такрорларнинг, сажънинг позицион мутаносиблиги, бошқача айтганда, лексик-морфологик параллелизмлар натижасида юзага келади. В. М. Жирмунский эса, такрор ва қофия синтактик параллелизмлар туфайлигина юзага келади, дейди. Бизнингча, ритмик-синтактик параллелизмлар такрорлар ва сажъ туфайли вужудга келади. Чунки такрор ҳам, сажъ ҳам синтактик қаторлар чегарасини аниқлайди, кўрсатади, таъкидлайди ва қайд этади. Шунинг учун такрор ва сажъ бундай параллелизмлар натижаси бўлмай, балки ритмик-синтактик параллелизмлар такрорлар ва сажъ натижасида юзага келади” (Sarimsoqov B., 1978:20). Кўринадики, олим бу ҳодисани атрофлича тадқиқ этган ҳамда ўз раддияларини асосли фикрлар билан исботлаган.

Ўзбек тилшунослигида параллелизмларни тил ҳодисаси сифатида тадқиқ этган олим А. Мамажоновнинг ишларини ҳам эътироф

этиш жоиз. Олим ўзининг “Ўзбек тили қўшма гапларининг стилистик хусусиятлари” (Mamajonov A., 1991:289) номли докторлик диссертациясида бу ҳодисани бирмунча кенгроқ тадқиқ этган. Олим синтактик параллелизм ҳодисаси ва унинг таснифига тўхталиб, унинг баъзи бир қирраларини алоҳида объект сифатида ўрганади. “Параллел синтактик бутунликлар деганда, бир тилнинг ривожланиш даврида тузилиши жиҳатидан фарқланувчи сўз бирикмалари, гаплар, уларнинг бўлаклари ва янада мураккаб синтактик қурилмалар орасидаги ўхшаш мазмуний муносабатлар ва уларнинг бирлигини тушунамиз.

Мазмуний параллелизмлар семантик жиҳатдан умумий мазмунни ифодаласа ҳам, бироқ ҳар бир вариантнинг структурасидаги фарқидан ташқари, ўзига хос фарқловчи белгиларга эга. Бу фарқларни қуйидагича белгилаш мумкин:

- а) айрим мазмун нозикликларига эга бўлиш орқали;
- б) эмоционал-экспрессив хусусияти;
- в) маълум бир нутқ услубига хосланган бўлиши;
- д) қўлланиш миқдори;
- е) ўзидан бошқа қандай нутқ бирлиги ҳосил қилишда материал бўлиб хизмат қила олиши билан” (Shukurov R., 2004:69).

Англашиладики, олим ҳозирги ўзбек адабий тили нуқтаи назаридан параллелизм ҳодисаси таҳлилига бирмунча чуқурроқ ёндашган.

Яна бир тадқиқотчи олима Д. С. Ўраева халқ лирик қўшиқларида параллелизм ҳодисасини тадқиқ этган. Олима ўзининг тадқиқоти натижасида “параллелизмлар халқ лирик қўшиқларида композицион асос даражасига кўтарила олган, қўшиқнинг ритмик ўйноқлиги ва сероҳанглигини таъминлайдиган, унинг бадиий-эстетик таъсирчанлигини кучайтирадиган энг муҳим поэтик усулидир. Улар қўшиқларни ҳам мазмунан, ҳам шаклан шакллантириб, турли тузилишдаги (учлик, тўртлик, бешлик ва ҳоказо) бандларнинг мисраларини ҳар томонлама яхлитлантириб, ички мазмун динамикаси билан боғлайди. Лирик қаҳрамоннинг турли руҳий ҳолатларини ҳар хил рамзий лавҳалар орқали, ҳар хил ижтимоий вазиятларда бадиий, ёрқин ифодалашга кўмаклашади.

Параллелизм халқ лирик қўшиқларида композицион асос сифатида ундаги қисмлар, образлар ва бадиий воситаларнинг аниқ ғоявий-бадиий мақсад йўлида хизмат қилишини таъминлайди.

Халқ лирик қўшиқларида параллелизмнинг композицион роли турлича намоён бўлади. У қўшиқ композициясининг шакли, усули ва узви бўлиши

мумкин. Қўшиқ композициясида улар ёндош, кетма-кет ва зинжирли боғланган ҳолда учрайди.

Кузатишлар ҳар қандай шеърӣ асар асосида ритмик-синтактик параллелизмлар ётишини кўрсатади. Чунки қўшиққа хос музикӣлик фақат ритмик-синтактик параллелизм замирида юзага чиқади” (O’rtaeva D., 1993:129), – деган хулосаларга келади.

УСЛУБЛАР

Ҳозиргача адабиётшуносликда параллелизмларнинг хусусиятлари ва таснифи масаласида турлича қарашлар мавжуд. Турли тадқиқотчилар параллелизмларнинг турлари ҳақида яқдил бўлмаган фикрга эгалар.

Б. Томашевский параллелизмларни беш турга ажратади (Tomashevskiy B., 2002:183). Ҳ. Ҳомидий, Ш. Абдуллаева, С. Иброҳимовалар параллелизмларнинг моҳияти ва вазифасига кўра учта турини кўрсатадилар:

1. Тематик параллелизм;
2. Синтактик параллелизм;

3. Товушлар параллелизми (Homidiy N. va b., 1970:153).

Бу таснифдан кўринадики, улар параллелизмларни жуда оддий тасниф қиладилар. Натижада таснифда параллелизмларнинг тўлиқ моҳияти, ритмик вазифаси ва психологик ифода тарзи деярли очилмай қолган.

Н. Ҳотамов ва Б. Саримсоқовлар эса параллелизмларни моҳияти ва вазифасига кўра тўрт турга бўладилар. Унга кўра:

1. *Тематик-психологик параллелизм*. Мазмунан бир-бирига ўхшаш ёки яқин ҳодиса, нарсa ёки ҳолатлар ёнма-ён тасвирланса, тематик-психологик параллелизмлар юзага келади. Ёнма-ён тасвирланган нарсa ёки ҳолат бир-бирига қиёсланиши, ўхшатилиши ёки қарама-қарши қўйилиши мумкин. Масалан:

...Отлар оғзин очади,
Мардлар жондан кечади,
Олди нишлаб келганда
Бекларни олиб қочади (Халқ дostonларидан).

2. *Ритмик-синтактик параллелизм*. Бунда икки ёки ундан ортиқ мотив тенг ва ўхшаш синтактик бирликлар орқали ифодаланади. Масалан:

Чангиб ётган ун бозори,
Қўқиб ётган жун бозори,
Анов мурсак, тўн бозори,
Пичоқ бозор, қин бозори,
Қалпоқ бозори қайсида?... (“Равшан” дostonидан).

Ритмик-синтактик параллелизмлар жуда ҳам қадимий бўлиб, улар халқ эпик шеърининг пайдо бўлишида муҳим рол ўйнаган.

3. *Лексик-морфологик параллелизмлар*. Бу усул икки ёки ундан ортиқ гаплардаги айрим бўлақлар, морфемаларнинг бир хил вазифада тўлиқ мос келиши натижасида юзага келади. Бундай параллелизмга анафора мисол бўла олади:

...Сайлаб олган элидан,
Бари йигитнинг нори,
Бари йигит, эр йигит,
Мингга етар ҳар бири (Халқ дostonларидан).

Мисралар сўнгидаги такрорлар ҳам лексик-морфологик параллелизм ҳисобланади. Масалан:

Қирқ чилтонга сардор эди Гўрўғли,
Ҳар ишдан хабардор эди Гўрўғли... (Халқ дostonларидан).

4. *Интонацион параллелизм*. Баъзан бир неча гаплар ёки бўлақлар бир хил оҳангда талаффуз этилади ёки ўқилади. Оҳангдаги бундай бир хиллик интонацион параллелизм саналади. Масалан:

Ўз олдиға, ишади,
Йўлсиз чўлга тушади,
Иссиқ кунга пишади,
Куйиб Ҳасан жўнади (Халқ дostonларидан)
(Hotamov N., Sarimsoqov, B. 1983:222).

Бунда улар кўпроқ халқ шеърятининг метрик хусусиятларини ҳисобга оладилар. Параллелизмларни фақатгина психологик жиҳатдан бир бутунликда ўрганиш кераклиги ғоясини илгари сурадилар.

Тилишуносликда параллелизм тил ёки нутқ бирликларининг такрорланиши билан боғлиқ ҳолда юзага чиқувчи ҳодиса сифатида қаралиб, унинг фонетик, лексик, морфологик, синтактик параллелизм каби турлари қайд қилинади.

Тадқиқотчи Шукуров Р. М. ўзининг “Параллел синтактик бутунликлар” номли номзодлик диссертациясида параллел синтактик бутунликларни тасниф қилар экан уларни, аввало, икки катта турга ажратади ва буни қуйидагича изоҳлайди: “Айрим тилишунослар параллел синтактик бутунликларни ўрганишда мазмунан умумийлик белгисини асос қилиб олсалар, баъзилар бу масалага структурал қурилиш нуқтаи назаридан ёндашадилар. Бизнингча, ўзаро параллел синтактик қаторни ташкил этувчи лисоний бирликларни ўрганишда уларга ҳам мазмуний жиҳатдан, ҳам структурал томондан ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади.... Шунга асосан, синтактик параллелизмни, дастлаб, икки катта тур кўринишига ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

1. Шаклий (структурал) параллелизм, яъни синтактик бутунликларнинг ташқи томондан мос келиши - параллелиги.

2. Мазмуний (семантик) параллелизм, яъни синтактик бутунликларнинг ички семантик томондан ўхшаш бўлиши – параллеллиги” (Shukurov R., 2004:16).

Ишнинг давомида тадқиқотчи юқоридаги ҳар икки турнинг ички кўринишларини турли жиҳатдан ёндашган ҳолда тасниф қилади. “Аввало, шаклий параллелизмнинг икки асосий кўринишини ажратиб, фарқлаб олишимиз зарур:

1. Лисоний бирликларнинг параллел (такрор) қўлланиши.

2. Бир хил синтактик қолип асосида шаклланган синтактик бутунликларнинг параллел (такрор) қўлланиши.

Параллел қўлланаётган бирликнинг синтактик бутунлик доирасида эгаллаган ўрнига қараб, параллелизмни яна қуйидаги кўринишларга ажратиш мумкин:

1. Бошланма параллелизм.
2. Тугалланма параллелизм.
3. Ички параллелизм.
4. Доиравий – аралаш параллелизм.

Параллелизмларни гапнинг структурал турлари доирасида яна иккига бўлиш мумкин;

1. Микро (кичик) параллелизм – содда гап доирасида юзага чиқувчи параллелизм.

2. Макро (йирик) параллелизм – қўшма гап доирасида юзага чиқувчи параллелизм.

...Биз мазмунан бир умумийликни ҳосил қилувчи параллелликни бир хил ёки турли хил синтактик бутунликлар доирасида юзага чиқишини инобатга олиб, бу ҳодисани бир аспект қамровида ва аспектлараро ўрганишни лозим топдик. Шунга кўра, мазмунан параллел синтактик бутунликларни, даставвал, иккига ажратамиз:

1. Бир типли параллел синтактик бутунликлар.
2. Турли типли параллел синтактик бутунликлар.

Ўз навбатида ҳар иккаласи ҳам ички бўлинишларга эга. Бир типли параллел синтактик бутунликларни таснифлашда бир аспектлик асос қилиб олинад ва қуйидагича гуруҳланади:

1) сўз бирикмалари орасидаги мазмуний параллелизм;

2) содда гаплар орасидаги мазмуний параллелизм;

3) қўшма гаплар орасидаги мазмуний параллелизм.

Турли типли параллел синтактик бутунликларни таснифлашда асосий эътибор аспектлараро ўрганиш масаласига қаратилади. Бунда мазмуний параллелизм турли структурал қолип (дизайн) асосида шаклланган нуткий бирликлар орасида

юзага чиқувчи ҳодиса сифатида қаралади. Уларни қуйидаги тасниф асосида ўрганиш мумкин:

1) сўз бирикмаси ва содда гаплар орасидаги мазмуний параллелизм;

2) содда гап ва қўшма гап кўринишлари орасидаги мазмуний параллелизм;

3) гап турлари ва микромагнлар орасидаги мазмуний параллелизм” (Shukurov R., 2004:21).

Юқоридагилардан кўринадики, параллелизм ҳодисасини фақат лингвистик жиҳатдан, лексик-грамматик ҳодиса сифатида чегаралаш унча тўғри бўлмайди, уни маъно ёки мазмун такрори тушунчаси билан ҳам боғлиқ ҳолда семантик, бадиий асарнинг композицион қурилиши билан алоқадор ҳолда услубий-поэтик ҳодиса сифатида баҳолаш лозим.

Тилшуносликда параллелизм кенг қўламда ўрганилмаганлигини, шу билан бирга, уларга алоқадор масалаларни ҳал қилиш учун ягона ва ҳар томонлама тан олинган йўналиш йўқлигини эътироф этиш зарур. Умуман олганда, параллелизмларни тасниф қилишда ҳам тилшунос олимлар ўртасида яқдиллик йўқ. Ҳар бир тадқиқотчи бу масалага ўз нуқтаи назаридан қараб, маълум даражада ҳисса қўшиб келмоқда.

Фольклоршуносликка оид айрим тадқиқотларда параллелизмларнинг турлари, уларга хос хусусиятлар борасида бирқанча чалкаш фикрлар билдирилган.

Бу поэтик ҳодиса ҳақида гапирганда, одатда, фақат тематик параллелизмларгина назарда тутилади. Чунончи, ўзбек халқ қўшиқларининг илк тўпловчиси ва тадқиқотчиларидан бири Музаияна Алавия қўшиқларда параллелизмларнинг пайдо бўлиш усулларига кўра тубандаги кўринишларини қайд этади:

- 1) қиёсий параллелизм;
- 2) психологик параллелизм;
- 3) кинояли параллелизм;
- 4) жонлантиришли параллелизм;
- 5) аллегорик параллелизм.

М. Алавия параллелизмнинг бу ички кўринишларини ягона “образли параллелизм” номи билан атади (Alaviya M., 1959:27). Бундан шу нарса кўринадики, М. Алавия параллелизмни фақатгина унинг ички моҳияти ва асар мазмуни билан муносабати нуқтаи назаридангина текширган. У параллелизмнинг поэтик структурадаги ўрнига, синтактик, грамматик табиатига деярли эътибор қилмаган (O‘raeva D., 1993:29).

К. Очилов ўзбек халқ меҳнат қўшиқларига бағишланган тадқиқотида параллелизмларнинг моҳиятан икки хил бўлишини таъкидлайди:

1. бадий- қиёсий параллелизм;
2. синтактик параллелизм.

Фольклоршунос олима Д. С. Ёраева ўзининг “Халқ лирик қўшиқларида параллелизмларнинг характери ва бадий-композицион вазифалари” номли номзодлик ишида параллелизмларни тасниф қилар экан, ўзбек халқ лирик қўшиқларида қўлланилувчи мазмун, шакл, оҳанг жиҳатидан параллелизмларни, энг аввало, икки катта турга ажратади.

1. Мантқиқий параллелизм. Параллелизмнинг бу тури, асосан, ички параллелликни атайди ва матн ичи боғланишларининг эволюциясини белгилайди. Бунда мазмунан бир-бирига ўхшаш ва яқин ҳодисалар ўзаро қиёслаб ёки қарама-қарши қўйилиб, ёнма-ён келтирилади.

2. Формал параллелизм. Одатда, у ташқи параллелликни атайди. Бунда тузулиши жиҳатидан бир-бирига ўхшаш икки ёки ундан ортиқ синтактик қурилмалар мазмунан қиёсланган ҳолда параллел қўйилиб, умумий бир мақсадни ифодалашга қаратилади (О‘раева Д., 1993:32).

Параллелизмнинг барча турлари аслида мана шу икки катта гуруҳ таркибида намоён бўлишини таъкидлагани ҳолда ўзбек халқ лирик қўшиқларида қўлланилган параллелизмларни моҳияти ва вазифасига кўра қуйидаги турларга бўлади:

1. Образли (тематик-психологик ёки мавзувий-руҳий) параллелизм:

1. Қиёсий параллелизм;
2. Руҳий (психологик) параллелизм;
3. Кинояли параллелизм;
4. Жонлантиришли параллелизм;
5. Мажозий (аллегорик) параллелизм.

II. Ритмик-синтактик параллелизм.

III. Лексик-морфологик параллелизм.

IV. Интонацион параллелизм (О‘раева Д., 1993:33).

Бу таснифлар ичида мукамалроғи ҳамда кўпчиликнинг ижобий баҳосига ва ҳамфикрлигига эриша олгани Н. Ҳотамов ва Б. Саримсоқовлар таснифидир. Юқоридаги таснифларни кузатар эканмиз, бугунги кунга қадар параллелизмларнинг таснифи масаласида яқдил фикр йўқ эканлиги, уларни турли олимлар тадқиқот ишлари объекти сифатида у ёки бу даражада ўрганганликлари ва тасниф ҳам айнан шу иш доирасида қилинганлигини ва ҳар бир тадқиқотчи бу масалага ўз ҳиссасини қўшиб келаётгани маълум бўлади.

НАТИЖА

Параллелизм ҳодисаси ва унинг ўзига хос қирраларини ўрганиш жараёнига хорижлик

олимлар катта улуш қўшганлар. Улар илк бора параллелизм атамасини киритганлар (Р. Лаут), уни илмий асослаганлар (В. Штейниц), уларнинг хитой (Ф. Дейвис), карело-фин (В. Штейниц) ва бошқа тиллардаги ролини алоҳида қайд этганлар. А. Н. Веселовский поэтика тарихида илк бор параллелизмни ҳолат ва ҳаракат қиёси асосида тасвирловчи восита сифатида эътироф этади. В. И. Чичеров икки образ қиёси тушунчасини киритади, В. М. Жирмунский эса параллелизмни туркий халқлар шеърияти асосида параллелизм ҳодисаси ётишини исботлайди. Ўзбек олимларидан Н. А. Раҳмонов Кул тигин ёдгорлиги поэтикасини таҳлил қилар экан, ундаги параллелизмларда учровчи шеърий санъатларга тўхталади. А. Мамажонов ўзбек тилишунослигида параллелизмларнинг айрим қирраларини кенгрок тадқиқ этади. Фольклоршунос олима Д. С. Ёраева халқ лирик қўшиқларида параллелизм, уни юзага келтирувчи манбалар, параллелизм ва қофия муносабатини тизимли равишда ёритиб беради.

Ҳозиргача адабиётшуносликда, тилишуносликда ва фольклоршуносликда параллелизмларнинг хусусиятлари ва таснифи масаласида турлича қарашлар мавжуд. Турли тадқиқотчилар параллелизмларнинг турлари ҳақида яқдил бўлмаган фикрга эгалар. Бу таснифлар ичида мукамалроғи Н. Ҳотамов ва Б. Саримсоқовлар таснифидир.

МУҲОКАМА

Параллелизм ҳодисаси ва унинг ўзига хос қирраларини ўрганиш юзасидан хорижлик ва ватандош олимларимиз томонидан кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, уни ўрганиш ҳар тамонлама тадқиқ этиш доим ўз долзарблигини йўқотмайди.

Ушбу тадқиқот ишлари ўз даври учун муҳим янгилик вазифасини бажарган, бироқ бугунги кунда параллелизм ҳодисасини қадимги даврлардан бугунги кунга қадар етиб келиши, трансформацияси ва тақомилини тизимли равишда ўрганиш ўзининг долзарблигини сақлаб турибди. Мақолларда, тўртликларда, халқ оғзаки ижоди намуналарида параллелизмларнинг қўлланилишидаги ўзига хосликлар ва фарқлар, уларнинг вазифаларини аниқлаш каби масалалар очик қолмоқда.

Айниқса, параллелизмларнинг таснифи борасидаги қарашлар кўплиги ва тафовутлар бу маслани алоҳида тадқиқ этиш заруратини уйғотади. Турли олимлар томонидан илгари сурилган таснифларни кузатар эканмиз, бугунги кунга қадар параллелизмларнинг таснифи масаласида яқдил

фикр йўқ эканлиги, уларни турли олимлар тадқиқот ишлари объекти сифатида у ёки бу даражада ўрганганликлари ва тасниф ҳам айнан шу иш доирасида қилинганлигини ва ҳар бир тадқиқотчи бу масалага ўз ҳиссасини қўшиб келаётгани маълум бўлади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, хорижлик ва ватандош олимларимиз томонидан параллелизм ходисаси ва унинг ўзига хос қирраларини ўрганиш юзасидан Р. Лаут, В. Штейниц, Ф. Дейвис, А. Н. Веселовский В. И. Чичеров, В. М. Жирмунский, Н. А. Раҳмонов, А. Мамажонов, Д. С. Ўраевалар жиддий тадқиқот ишларини амалга оширганлар. Ҳозиргача адабиётшуносликда, тилшуносликда ва фольклоршуносликда параллелизмларнинг хусусиятлари ва таснифи масаласида турлича қарашлар мавжуд бўлиб, таснифдаги яқдилликнинг йўқлиги бу маслани тадқиқ қилиш зарурлигини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаева, Н. Д. (1978). Синтаксическая синонимия в современном азербайджанском языке (на основе глагольных оборотов и придаточных предложений) (Doctoral dissertation, Баку, 1978.—40 с).
2. Алавия, М. (1959). Ўзбек халқ қўшиқлари. Т., Фан.
3. Артеменко, Е. Б. (1976). Вопросы синтаксического строя русской народной лирической песни: Пособие к спецкурсу по лингвофолклористике для студентов-филологов. Voronezh. ped. in-t. Астафьева, И. М. (1964). Виды синтаксических повторов, их природа и стилистическое использование. Москва.
4. Астафьева, Л. А. (1981). Параллелизм в лирических песнях. Фольклор как искусство слова, (5), 87-101.
5. Васильев, Г. М. (1965). Якутское стихосложение. Якутск.
6. Веселовский, А. Н. (1989). Поэтика сюжетов// Историческая поэтика. Москва: Высшая школа, 300-305.
7. Веселовский, А. Н. (1989). Психологический параллелизм и его формы в отражениях поэтического стиля. Историческая поэтика.—М.: Высшая школа, 101-107.
8. Ефимова, Т. С. (2016). ПАРАЛЛЕЛИЗМЫ В ПОЭТИКЕ ФОЛЬКЛОРА: ИСТОРИОГРАФИЯ. Успехи современной науки, 4(4), 137-140.
9. Жирмунский, В. (2001). Поэтика русской поэзии. Азбука-классика.
10. Жирмунский, В. М. (1964). Ритмико-синтаксический параллелизм как основа древнетюркского народного эпического стиха. Вопросы языкознания, (4), 3-24.
11. Жирмунский, В. М. (1974). Тюркский героический эпос: Избр. труды. Nauka, Leningr. otd-nie.
12. Ибрагимов С. М. Татар теленде синтактик синонимлар. — Казань, 1976. — 93 с.
13. Колпакова, Н. П. (1962). Русская народная бытовая песня. Изд-во Академии наук СССР [Ленинградское отд-ние].
14. Круглов Ю. Г. Русские обрядовые песни. — М.: Высшая школа, 1982. — 272 с.
15. Кулагина, А. В. (1981). Параллелизм и символика в частушках. Фольклор как искусство слова. М, (5), 102-126.
16. Мамажонов А. Ўзбек тили қўшма гапларининг стилистик хусусиятлари: Филол. фан. докт. ... дисс. — Т., 1991. — 289 б.
17. Nig'monov Mr, A. (2020). Rhythmic-syntactic parallelisms in old turkic poetry (by example of extract from "Devon lugati-t-turk"). The Light of Islam, 2020(1), 185-191.
18. Nig'monov, A., Rustamiy, S., Nasirova, M., & Djafarov, B. (2020). Lexical Parallels Used In The Quatrains In The Dīwān Lughāt Al-Turk. European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 7(3), 5301-5305.
19. Петров, Н. Е. (2009). Олонхо—шедевр устного и нематериального наследия человечества. Якутск: Изд. ЯГУ.
20. Рахмонов Н. А. Художественные особенности памятника Кюль Тигину: Диссертация на соискание ученой ст. кандидата филологических наук. — Т., 1983. — 180 с.
21. Раҳмонов Н. А. Култегин ёдномасининг поэтикаси // Ўлмас обидалар. — Т.: Фан, 1989. — Б. 207.
22. Саримсоков Б. Ўзбек адабиётида сажъ. — Т.: Фан, 1978. — Б. 20-21.
23. Сергалиев, М. С. (1981). Синтаксическая синонимия в современном казахском литературном языке: автореф. дисс... канд. филол. наук.
24. Сковородников, А. П. (1981). Экспрессивные синтаксические конструкции современного русского литературного языка.
25. Стеблева, И. В. (1971). Развитие тюркских поэтических форм в XI веке. Наука.
26. Томашевский, Б. В. (2002). Теория литературы. Поэтика: Учеб. пособие/Вступит. статья НД Тамарченко; Коммент. СН Бройтмана при участии НД Та-марченко.
27. Убрятова, Е. И. (1976). Исследования по синтаксису якутского языка: Сложное предложение (книга 1-2) (Vol. 2). Izdatel'stvo Akademii nauk SSSR.
28. Ўраева Д.С. Ўзбек халқ лирик қўшиқларида параллелизмларнинг характери ва бадий-композицион вазифалари: Филол. фан. номз. ... дисс. — Т., 1993. — Б. 129.
29. Формановская, Н. И. (2007). Формановская НИ Стилистика сложного предложения.
30. Ҳомидий Ҳ. ва б. Адабиётшунослик терминлари лугати. — Т., 1970. — Б. 153-154.
31. Ҳотамов, Н., & Саримсоков, Б. (1983). Адабиётшунослик терминларининг русча-

Ўзбекча изоҳли луғати: ўрта мактаб ўқувчилари, тил ва адабиёт ўқитувчилари ҳамда филолог студентлар учун. Ўқитувчи.

32. Чичеров, В. И. (1959). Русское народное творчество. Изд-во Московского университета.
33. Шукуров Р. М. Параллель синтактик бутунликлар: Филол. фан. номз. ... дисс. – Фарғона, 2004. – Б. 13.
34. Якобсон, Р. О. (1987). Раскованный Пушкин//Якобсон РО Работы по поэтике. М.: Прогресс, 235-240.

REFERENCES:

1. Abdullaeva, N. D. (1978). Sintaksicheskaya sinonimiya v sovremennom azerbaydjanskoy yazyke (na osnove glagol'nykh oborotov i pridatochnykh predlozheniy) (Doctoral dissertation, Baku, 1978.—40 s).
2. Alaviya, M. (1959). O'zbek xalq qo'shiqlari. T., Fan.
3. Artemenko, Ye. B. (1976). Voprosy sintaksicheskogo stroya russkoy narodnoy liricheskoy pesni: Posobie k spetskursu po lingvofolkloristike dlya studentov-filologov. Voronezh. ped. in-t. Astaf'eva, I. M. (1964). Vidy sintaksicheskikh povtorov, ix priroda i stilisticheskoe ispol'zovanie. Moskva.
4. Astaf'eva, L. A. (1981). Parallelizm v liricheskikh pesnyax. Fol'klor kak iskusstvo slova, (5), 87-101.
5. Vasil'ev, G. M. (1965). Yakutskoe stixoslozhenie. Yakutsk.
6. Veselovskiy, A. N. (1989). Poetika syujetov// Istoricheskaya poetika. Moskva: Vysshaya shkola, 300-305.
7. Veselovskiy, A. N. (1989). Psixologicheskii parallelizm i yego formy v otrazheniyax poeticheskogo stilya. Istoricheskaya poetika.—M.: Vysshaya shkola, 101-107.
8. Yefimova, T. S. (2016). PARALLELIZMY V POETIKE FOL'KLORA: ISTORIOGRAFIYA. Uspexi sovremennoy nauki, 4(4), 137-140.
9. Jirmunskiy, V. (2001). Poetika russkoy poezii. Azbuka-klassika.
10. Jirmunskiy, V. M. (1964). Ritmiko-sintaksicheskii parallelizm kak osnova drevnetyurkskogo narodnogo epicheskogo stixa. Voprosy yazykoznaniya, (4), 3-24.
11. Jirmunskiy, V. M. (1974). Tyurkskiy geroicheskiy epos: Izbr. trudy. Nauka, Leningr. otd-nie.
12. Ibragimov S. M. Tatar telende sintaktik sinonimlar. – Kazan', 1976. – 93 s.
13. Kolpakova, N. P. (1962). Russkaya narodnaya bytovaya pesnya. Izd-vo Akademii nauk SSSR [Leningradskoe otd-nie].
14. Kruglov Yu. G. Russkie obryadovye pesni. – M.: Vysshaya shkola, 1982. – 272 s.
15. Kulagina, A. V. (1981). Parallelizm i simbolika v chastushkax. Fol'klor kak iskusstvo slova. M, (5), 102-126.
16. Mamajonov A. O'zbek tili qo'shma gaplarining stilistik xususiyatlari: Filol. fan. dokt. ... diss. – T., 1991. – 289 b.
17. Nig'monov Mr, A. (2020). Rhythmic-syntactic parallelisms in old turkic poetry (by example of extract from "Devon lugati-t-turk"). The Light of Islam, 2020(1), 185-191.
18. Nig'monov, A., Rustamiy, S., Nasirova, M., & Djafarov, B. (2020). Lexical Parallels Used In The Quatrains In The Dīwān Lughāt Al-Turk. European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 7(3), 5301-5305.
19. Petrov, N. Ye. (2009). Olonxo–shedevr ustnogo i nematerial'nogo naslediya chelovechestva. Yakutsk: Izd. YaGU.
20. Raxmonov N. A. Xudojestvennye osobennosti pamyatnika Kyul' Tiginu: Dissertatsiya na soiskanie uchenoe st. kandidata filologicheskix nauk. – T., 1983. – 180 c.
21. Rahmonov N. A. Kultegin yodnomasining poetikasi // O'lmas obidalar. – T.: Fan, 1989. – B. 207.
22. Sarimsoqov B. O'zbek adabiyotida sajb. – T.: Fan, 1978. – B. 20-21.
23. Sergaliev, M. S. (1981). Sintaksicheskaya sinonimiya v sovremennom kazaxskom literaturnom yazyke: avtoref. diss... kand. filol. nauk.
24. Skovorodnikov, A. P. (1981). Ekspressivnye sintaksicheskije konstruksii sovremennogo russkogo literaturnogo yazyka.
25. Stebleva, I. V. (1971). Razvitie tyurkskix poeticheskix form v XI veke. Nauka.
26. Tomashevskiy, B. V. (2002). Teoriya literatury. Poetika: Ucheb. posobie/Vstupit. statiya ND Tamarchenko; Komment. SN Broytmana pri uchastii ND Ta-marchenko.
27. Ubryatova, Ye. I. (1976). Issledovaniya po sintaksisu yakutskogo yazyka: Slojnoe predlozhenie (kniga 1-2) (Vol. 2). Izdatel'stvo Akademii nauk SSSR.
28. O'raeva D.S. O'zbek xalq lirik qo'shiqlarida parallelizmlarning xarakteri va badiiy-kompozitsion vazifalari: Filol. fan. nomz. ... diss. – T., 1993. – B. 129.
29. Formanovskaya, N. I. (2007). Formanovskaya NI Stilistika slojnogo predlozheniya.
30. Homidiy H. va b. Adabiyotshunoslik terminlari lug'ati. – T., 1970. – B. 153-154.
31. Hotamov, N., & Sarimsoqov, B. (1983). Adabiyotshunoslik terminlarining ruscha-o'zbekcha izohli lug'ati: o'rta maktab o'quvchilari, til va adabiyot o'qituvchilari hamda filolog studentlar uchun. O'qituvchi.
32. Chicherov, V. I. (1959). Russkoe narodnoe tvorчество. Izd-vo Moskovskogo universiteta.
33. Shukurov R. M. Parallel sintaktik butunliklar: Filol. fan. nomz. ... diss. – Farg'ona, 2004. – B. 13.
34. Yakobson, R. O. (1987). Raskovanny Pushkin// Yakobson RO Работы по поэтике. М.: Progress, 235-240.